

Умумжаҳон маданий ва табиий меросини

муҳофаза қилиш тўғрисидаги

КОНВЕНЦИЯ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференцияси 1972 йил 21 ноябрда ўзининг ўн еттинчи сессиясига Парижда йиғилиб,

маданий ва табиий мероснинг вайрон бўлишига нафақат зарар етказишнинг анъанавий сабаблари, балки ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт эволюцияси улардан-да хавфлироқ зарар етказувчи ва вайрон этувчи воқелик сифатида янада кўпроқ таҳдид солаётганлигини қайд этиб,

маданий ва табиий мероснинг ҳар қандай объектига путур етиши ёки унинг йўқолиши дунё халқлари мулкнинг зарарли қашшоқлашуви эканлигини инобатга олиб,

бундай мероснинг муҳофазаси миллий даражада кўпинча у талаб этадиган, катта харажатларнинг етарли бўлмаганлиги учун ва ҳимоя қиладиган қадрият ҳудудида жойлашган мамлакат иқтисодий, илмий ва техникавий имкониятларининг етишмаслигини инобатга олиб,

Ташкилот Устави кўзда тутган тараққиётга кўмаклашиш ва билимларни тарқатиш, инсоният умумий меросини консервация ва муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек, манфаатдор халқларга тегишли халқаро конвенцияларни тавсия қилишини эслатиб,

маданий ва табиий бойликлар тўғрисидаги амалдаги халқаро конвенциялар, тавсиялар ва резолюциялар барча халқлар учун улар қайси халққа тегишли бўлишидан қатъи назар, ноёб ва бебаҳо қадриятлар ва уларни сақлаш муҳим деб ҳисоблаб,

баъзи бир маданий ва табиий мерос қадриятлари ниҳоятда катта қизиқиш уйғотиши боис ва улар жамики инсоният жаҳоний меросининг бўлаги сифатида сақланиб қолиши кераклигини инобатга олган ҳолда, янги хавфларнинг миқёсли ва жиддийлигини ва улар ана шу меросга таҳдид солиб тургани муносабати билан, халқаро ҳамжамият маданий ва моддий меросни муҳофаза қилишда ўзининг жамоавий ёрдами билан иштирок этиши ва бу борада ўша қадрият жойлашган ҳудуддаги манфаатдор давлатнинг фаолияти ўрнини қопламасдан, балки уни самарали тўлдириши кераклигини инобатга олиб,

универсал аҳамиятга эга улкан объектларнинг жамоавий муҳофазасининг самарали тизимини ўрнатувчи, доимий асосда замонавий илмий услублар асосида ташкиллаштирилган конвенция шаклидаги янги қоидаларни қабул қилиш мақсадини инобатга олиб, ўзининг ўн олтинчи сессиясида ушбу масала халқаро конвенциянинг предмети бўлишига қарор қилиб,

ушбу Конвенцияни 1972 йил ўн олтинчи ноябрда қабул қилди.

I. МАДАНИЙ ВА ТАБИИЙ МЕРОСНИ АНИҚЛАШ

1-модда

Ушбу Конвенцияда "маданий мерос" дейилганда қуйидагилар тушунилади:

ёдгорликлар: архитектура асари, монументал ҳайкалтарошлик ва рассомлик, археологик характердаги унсурлар ёки тузилмалар, ёзувлар, ғордаги яшаш жойлари ва тарих, санъат ёки фан нуқтаи назаридан бемисл универсал қийматга эга бўлган унсурларнинг гуруҳлари;

ансамбл: архитектура, тарих, санъат ёки фан нуқтаи назаридан бемисл универсал қийматга эга бўлган ягоналик ёки пейзаж билан боғлиқлик касб этувчи ихоталанган якка гуруҳлар ёки қўшилма қурилмалар;

диққатга сазовор маскан: инсон меҳнати маҳсули ёки инсон ва табиатнинг биргаликдаги ижоди маҳсули, шунингдек, тарих, эстетика, этнология ёки антропология нуқтаи назаридан бемисл универсал қийматга эга бўлган археология худудлари, диққатга сазовор жойлар.

2-модда

Ушбу Конвенцияда "табиий мерос" дейилганда қуйидагилар тушунилади:

эстетика ёки фан нуқтаи назаридан бемисл универсал қийматга эга, жисмоний ёки биологик таркибдан ҳосил бўлган ёки шундай ҳосилаларнинг туркумидан бўлган табиий ёдгорликлар;

ҳайвонот ва ўсимликлар турларига хавф солувчи манзиллар бўлмиш фан ёки консервация нуқтаи назаридан бемисл универсал қийматга эга геологик ва физиогеографик пайдо бўлган ҳамма аниқ чегараланган худудлар;

фан, консервация ёки табиий гўзаллик нуқтаи назаридан бемисл универсал қийматга эга табиий диққатга сазовор жойлар ёки қатъий чегараланган табиий ҳудудлар.

3-модда

Ушбу Конвенция томони бўлмиш ҳар бир давлат ўз ҳудудида жойлашган юқорида қайд этилган, 1- ва 2-моддаларда кўзда тутилган турли кадриятларни аниқлаштириши ва белгилаб қўйиши керак бўлади.

II. Маданий ва табиий мероснинг миллий муҳофазаси ва халқаро муҳофазаси

4-модда

Ушбу Конвенциянинг томони бўлмиш ҳар бир давлат 1- ва 2- моддаларда эслатилган, ўзининг ҳудудида жойлашган маданий ва табиий меросни аниқлаштириш, муҳофазалаш, сақлаш, оммалаштириш ва келажак авлодларга етказишни таъминлаш мажбурияти, аввало, унинг зиммасига юклатилишини тан олади. Шу мақсадда у ўзининг кучи билан ички манбалардан тўла фойдаланиши ва зарур ҳолларда, хусусан, молиявий, бадиий, илмий ва техникавий жиҳатларда халқаро ёрдам ва ҳамкорлик йўли билан ҳаракат қилиши лозим.

5-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари — давлатлар ўз ҳудудларида жойлашган маданий ва табиий меросни янада самаралироқ муҳофаза қилиш, консервациялаш ва имкони борича янада фаолроқ оммалаштириш мақсадида, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитларида, имкон қадар:

а) жамият ҳаётида маданий ва табиий меросга маълум вазифалар берилишига йўналтирилган умумий сиёсатни юргизиш ва умумий режалаштириш дастурларига ушбу мерос муҳофазасини кўзда тутишга;

б) ўз ҳудудида маданий ва табиий меросни муҳофазалаш, сақлаш ва оммавийлаштириш бўйича бир ёки бир неча хизматларни, ҳали улар ташкил этилмаган бўлса, таъсис этиб, уларни олдига қўйилган вазифаларини бажара оладиган тегишли ходимлар ва воситалар билан таъминлашга;

в) давлатга унинг маданий ва табиий меросига таҳдид солувчи хатарларни бартараф этиш имконини берадиган илмий ва техникавий ишланмалар ва изланишларни ривожлантиришга, иш услубларини такомиллаштиришга;

д) бу меросни аниқлаштириш, муҳофазалаш, сақлаш, оммалаштириш ва тиклаш учун тегишли ҳуқуқий, илмий, техникавий, маъмурий ва молиявий чоралар қабул қилишга; ва

е) маданий ва табиий меросни муҳофазалаш, сақлаш ва оммалаштириш соҳасида кадрлар тайёрловчи миллий ёки ҳудудий марказларни тузиш ёки ривожлантиришга,

шунингдек, бу соҳадаги илмий изланишларни рағбатлантиришга ёрдам беришга интилади.

6-модда

1- ва 2-моддаларда таърифланган маданий ва табиий мерос жойлашган ҳудуддаги давлатнинг суверенитетини тўлиқ ҳурмат қилиб, ушбу меросга нисбатан миллий қонунчиликда кўзда тутилган ҳуқуқларга путур етказмасдан, ушбу Конвенция томонлари — давлатлар, у умумий мерос эканлигини, унинг муҳофазаси халқаро ҳамжамиятнинг бурчи эканлигини тан олади.

Шунинг учун давлатлар — томонлар ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ, 11-модданинг 2- ва 4-бандларида эслатиб ўтилган маданий ва табиий меросни аниқлаштириш, муҳофазалаш, сақлаш ва оммавийлаштиришда, агар буни улар жойлашган ҳудудлардаги давлатлар илтимос қиладиган бўлсалар, ёрдам бериш мажбуриятини олади.

Ушбу Конвенция томони бўлмиш ҳар қандай давлат бошқа давлатларнинг ушбу Конвенция томонлари ҳудудида жойлашган 1- ва 2-моддаларда келтирилган маданий ва моддий меросга тўғри ёки қисман зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қандай олдиндан режалаштирилган ҳаракатларни қабул қилмаслик мажбуриятини олади.

7-модда

Ушбу Конвенцияда Умумжаҳон маданий ва табиий меросининг халқаро муҳофазаси деганда халқаро ҳамкорлик тизимини тузиш ва давлатларга ёрдам бериш — бу меросни сақлаш ва аниқлаштиришга қаратилган Конвенция томонлари — давлатларга ёрдам кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тушунилади.

III Умумжаҳон маданий ва табиий мероси муҳофазаси бўйича ҳукуматлараро қўмита

8-модда

1. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида, умумий мислсиз маданий ва табиий меросни муҳофаза қилишга тааллуқли «Умумжаҳон мероси қўмитаси» деб номланадиган ҳукуматлараро қўмита таъсис этилади. У Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясининг навбатдаги сессиясига йиғилган Бош ассамблеяда Конвенция томонлари бўлган ўн беш давлатдан ташкил топиб, Конвенция томонлари — давлатлардан сайланади. Қўмита таркибига кирган давлатларнинг сони Бош конференциянинг навбатдаги сессиясидан бошлаб 21 тагача етказилади, ушбу Конференция кучга киргандан кейин эса 40 давлатдан кам бўлмайди.

2. Қўмита аъзолигига сайлов дунёнинг турли минтақалари ва маданиятлари адолатли вакиллик қилишини таъминлаши лозим.

3. Қўмита мажлисларида Маданий бойликларни сақлаш ва реставрациялаш бўйича халқаро тадқиқот марказидан (Рим маркази), Ёдгорликларни ва тарихий жойларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро кенгашдан (ИКОМОС) ва Табиат муҳофазаси ҳамда

табiiй бойликлар халқаро иттифоқидан (МСОП) биттадан аъзо қатнашиб, маслаҳат универсал бойлик бўлган маданий ва табiiй мерос бойликлари рўйхатини «Умумжаҳон мероси рўйхати» номи остида тузади, янгилайди ва нашр этади. Янгиланган рўйхат икки йилда бир марта тарқатилади.

4. Умумжаҳон мероси рўйхатига бойликларни киритиш манфаатдор давлатнинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Бойлик жойлашган ҳудуднинг суверенитети ёки юрисдикцияси бир неча давлатлар ўртасида баҳсталаб бўлиб турган бўлса, унинг рўйхатга киритилиши баҳслашаётган томонларнинг ҳуқуқларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

5. Қўмита вазият талаб этган ҳолларда бойликларни қутқариб қолиш учун кўп ишлар бажарилишини талаб этувчи ва улар учун ушбу Конвенция доирасида ёрдам сўралганда хавф остидаги «Хавф остидаги умумжаҳон мероси рўйхати» номи билан Умумжаҳон мероси рўйхатига тушган бойликларнинг рўйхатини тузади, янгилайди ва нашр этади. Бу рўйхатда амалиётларнинг тахминий баҳоси кўрсатилади. Ушбу рўйхатга фақат таҳдид солган жиддий ва аниқ хавф, масалан, вайронгарчиликнинг кўпайиши оқибатида йўқолиш хавфи остида қолган, катта ижтимоий ёки хусусий ишлар олиб бориш лойиҳалари, шаҳарларнинг ва туризмнинг тез ривожланиши, кўзда тутилган ҳолатларнинг ёки ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ўзгариши сабабли вайрон бўлиши, ўрнатилмаган сабабларга кўра жиддий талафот етиши мумкин бўлган, қандайдир сабабларга кўра ташлаб қўйилган, табiiй офат ва катаклизмалар, қуроли можаролар хавфи, катта ёнғинлар, ер қимирлаши, силжишлар, вулқонларнинг отилиши, сув сатҳининг ўзгариши, тошқинлар, селлар ва бошқалар таҳдиди остида қолган маданий ва табiiй бойликлар киради. Фавқулодда ҳолатларда қўмита ҳар қандай пайтда хавф остидаги янги бойликни рўйхатга киритиши ва бу ҳақда зудлик билан хабар бериши мумкин.

6. Қўмита белгилаган мезонга асосланиб, маданий ёки табiiй мерос бойлиги мазкур модданинг 2- ва 4-бандларида кўзда тутилган иккала рўйхатга ҳам киритилиши мумкин.

7. Мазкур модданинг 2- ва 4-бандларида эслатиб ўтилган иккала рўйхатнинг бирига бойликни киритмаслик тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қабул қилишдан олдин, қўмита бу маданий ёки табiiй мерос бойлиги жойлашган ҳудуддаги давлат — томон билан маслаҳатлашади.

8. Қўмита, манфаатдор давлатларнинг келишувига мувофиқ, мазкур модданинг 2- ва 4-бандларида кўрсатилган рўйхатларни тузиш учун зарур бўлган изланишлар ва тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва рағбатлантиради.

12-модда

Маданий ёки табiiй мероснинг у ёки бу бойлиги 11-модданинг 2- ва 4-бандларида эслатилган иккала рўйхатдан бирортасига киритилмаганлиги ҳолати, бу объектнинг қандайдир бошқа маънода шу рўйхатларга киритилишидан ташқари, улкан универсал бойлик эмаслигини асло билдирмайди.

13-модда

1. Умумжаҳон мероси қўмитаси мазкур Конвенциянинг давлатлари — томонларидан уларнинг ҳудудларида жойлашган 11-модданинг 2- ва 4-бандларида эслатилган рўйхатларга киритилган ёки киритилиши мумкин бўлган маданий ва табиий мерос бойликларига нисбатан халқаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги асослантирилган талабномаларни қабул қилади ва ўрганади. Бундай талабномаларнинг мақсади муҳофаза, сақлаш, оммавийлаштириш ёки бу бойликларни тиклаш бўлиши мумкин.

2. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ, халқаро ёрдам тўғрисидаги талабнома 1- ва 2-моддаларда белгиланган маданий ёки табиий меросни топишга, яъни олдинги изланишлар кейинги изланишларнинг оқлашини кўрсатувчи ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлади.

3. Қўмита бу талабномалар бўйича қарор қабул қилади ва зарур ҳолларда ўз ёрдамнинг характери ва миқёсини белгилайди ва ўз номидан манфаатдор ҳукумат билан зарур бўлган битимларни тузиш ваколатини белгилайди.

4. Қўмита ўз амалиётларини ўтказишнинг навбат тартибини ўрнатади. У буни химояга муҳтож бўлган ва умумжаҳон маданий ва табиий мероси бойликлари учун қанчалик муҳимлигини, халқаро муҳофазани таъминлаш нисбатан аҳамиятга эга бўлган табиат, даҳолик ва жаҳон халқлари тарихига оид бўлган бойликларни ва зудлик билан олиб борилиши керак бўлган иш суръати, бу бойликлар жойлашган ҳудуддаги давлатнинг имконият даражаси ва хусусан, улар бу бойликни ўз маблағлари билан қай даражада сақлаб қолишни таъминлашлари мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

5. Қўмита халқаро ёрдам ажратилаётган бойликларнинг рўйхатини тузади, янгилайди ва тарқатади.

6. Қўмита мазкур Конвенциянинг 15-моддасига мувофиқ тузилган жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади. У бу маблағларни тўлдириш йўллариини излаб топади ва бу билан боғлиқ барча зарур чораларни қабул қилади. Қўмита мазкур Конвенция мақсадларига айнан ўхшайдиган мақсадларни кўзлайдиган халқаро ва миллий, ҳукуматга қарашли ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Қўмита ўз дастури ва лойиҳаларини бажариш юзасидан, хусусан, Маданий бойликларни сақлаш ва реставрациялаш бўйича халқаро тадқиқот марказидан (Рим маркази), Ёдгорликларни ва тарихий жойларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро кенгашдан (ИКОМОС) ва Табиат муҳофазаси ҳамда табиий бойликлар халқаро иттифоқидан (МСОП), шунингдек, давлат органлари, хусусий идоралар ва хусусий шахслардан ёрдам олиши мумкин.

8. Қўмитанинг қарори қатнашувчиларнинг кўпчилиги, овоз беришда иштирок этганларнинг учдан икки қисми овоз берганида қабул қилинади. Кворум қўмита аъзоларининг кўпчилигини ташкил қилади.

14-модда

1. Умумжаҳон мероси қўмитасига Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директори тайинлайдиган котибият ёрдам беради.

2. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директори Маданий бойликларни сақлаш ва реставрациялаш бўйича халқаро тадқиқот маркази (Рим маркази), Ёдгорликларни ва тарихий жойларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро кенгаш (ИКОМОС) ва Табиат муҳофазаси ҳамда табиий бойликлар халқаро иттифоқи (МСОП)нинг соҳалари ваколатига кирувчи хизматларидан ва уларнинг тегишли имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиб, кўмитанинг хужжатларини, унинг мажлислари учун кун тартибини тайёрлайди ва унинг бажарилишини таъминлайди.

IV. Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофазалаш жамғармаси

15-модда

1. Ушбу билан мислсиз универсал бойлик бўлган умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш жамғармаси таъсис этилади ва у «Умумжаҳон мероси жамғармаси» деб юритилади.

2. Бу жамғарма Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Молия тўғрисидаги низоми тегишли моддаларига мувофиқ мақсадли жамғарма ҳисобланади.

3. Жамғарманинг маблағлари қуйидагилардан:

(a) мазкур Конвенциянинг томонлари — давлатларнинг мажбурий ва ихтиёрий бадалларидан;

(b) ҳиссалар, ҳадялар ёки васийлик маблағларидан; улар:

(i) бошқа давлатлар томонидан;

(ii) Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа ҳукуматлараро ташкилотлардан;

(iii) давлатга қаршли ва хусусий идоралардан ёки алоҳида шахслардан келиб тушиши мумкин;

(c) Жамғарма қарз бериб турган маблағларнинг фоизидан;

(d) Жамғарма фойдасига ташкиллаштирилган йиғилма пуллар ва тадбирлардан келиб тушганлардан;

(e) Умумжаҳон мероси кўмитаси ишлаб чиққан, Жамғарма туғрисида низом йўл қўядиган ҳар қандай бошқа ресурслардан иборат булади.

4. Жамғарма бадаллари ва кўмигага кўрсатилаётган ёрдамнинг бошқа турлари фақат кўмита белгилаган мақсадларга ишлатилиши лозим. Кўмита фақат аниқ дастур учун ёки аниқ лойиҳа учун мўлжалланган бадалларни дастур ёки лойиҳани бажариш шарти билан қабул қилади. Жамғармага бадал тўлашда қандайдир сиёсий шартлар кўзда тутилиши

мумкин эмас.

16-модда

1. Ҳар қандай ихтиёрий қўшимча бадалга зарар етказмаган ҳолда мазкур Конференциянинг томонлари – давлатлар Умумжаҳон мероси жамғармасига икки йилда бир марта мунтазам бадал тўлаш мажбуриятини оладилар, унинг миқдори барча давлатлар учун бир хил фоизда бўлиб, Конференциянинг томонлари – давлатлар Бош ассамблеясида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияга йиғилганда белгиланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяда бу қарорнинг қабул қилиниши қатнашувчиларнинг ва овоз берувчи давлатлар – томонларнинг кўпчилиги овозини талаб қилади ва улар ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган билдиришни киритмаган бўлсалар, қабул қилинади. Конференция томонлари – давлатларнинг мажбурий бадаллари ҳеч бир ҳолатда таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг одатдаги бюджетига бадалларнинг 1 фоизидан ошиши мумкин эмас.

2. Аммо, ушбу Конвенциянинг 31-моддаси ёки 32-моддасида кўзда тутилганидек, ҳар бир давлат қабул қилиш ёки кучга кириш тўғрисидаги актларни ўз ратификация ёрликларини топшириш вақтида мазкур модданинг 1-банди ҳолатлари билан боғлиқ бўлмаслигини изҳор қилиши мумкин.

3. Ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган изҳорни қилган давлат – Конвенция томони, хоҳлаган вақтида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директорини хабардор қилган ҳолда, зикр этилган изҳорни олиб ташлаши мумкин. Бироқ, изҳорнинг олинishi бу давлатнинг мажбурий бадалига давлатлар – томонларнинг навбатдаги Бош ассамблеяси кунидан эътиборан таъсир қилади.

4. Қўмита ўз фаолиятини самарали режалаштириб бориши учун мазкур модданинг 2-бандида кўзда тутилганидек, изҳор этган ушбу Конвенция томонлари – давлатлар бадалларини энг камида икки йилда бир марта, мунтазам тўлаб боришлари ва бу бадал миқдори, улар мазкур модданинг 1-банди билан боғлиқ бўлганларида тўлашлари лозим бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

5. Конвенция томони бўлмиш ҳар қандай давлат ўз мажбуриятлари ва ихтиёрий бадаллардан жорий йил учун ва календарь йилдан олдинги йил учун қарздор бўлса, Умумжаҳон мероси жамғармасининг қўмитасига сайлана олмайди; ушбу қоида биринчи сайловлар чоғида қўлланилмайди. Қўмита аъзоси бўлган бундай давлатнинг ваколатлари, ушбу Конвенциянинг 8-моддаси 1-банди кўзда тутилганидек, сайловлар вақтида тўхтайд.

17-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари – давлатлар маданий меросни муҳофаза қилиб, хайр-эҳсонларни рағбатлантириш мақсадида давлатга қарашли ёки хусусий миллий жамғармалар ёки уюшмаларнинг тузилишига мазкур Конвенциянинг 1- ва 2-моддалари

қоидаларига мувофиқ ёрдам беради.

18-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари – давлатлар Умумжаҳон мероси жамғармасига маблағ йиғиш бўйича Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ташкиллаштирилган халқаро тадбирларга ёрдам кўрсатади. Улар шу мақсадларда 15-модданинг 3-бандига мувофиқ ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маблағларни йиғишга ёрдам беради.

V. Халқаро ёрдам кўрсатиш шартлари ва шакллари

19-модда

Мазкур Конвенциянинг томони бўлмиш ҳар қандай давлат ўз ҳудудида жойлашган қимматли маданий ва табиий мерос бўлган мислсиз универсал бойлик фойдасига халқаро ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилиши мумкин. У ўз талабномаси билан бирга 21-моддада кўзда тутилган ва ўзида бўлган, Қўмитага қарор қабул қилиш учун керак бўладиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиши лозим.

20-модда

Мазкур Конвенцияга мувофиқ халқаро ёрдам фақат Умумжаҳон мероси Қўмитаси 1-модда 2- ва 4-бандларида эслатилган, 13-модда 2-бандига, 22-модда с-банди ва 23-моддага мувофиқ рўйхатлардан бирига киритишга қарор қилган ёки қарор қилмоқчи бўлган маданий ва табиий мерос бойликлари учунгина берилиши лозим.

21— модда

1. Умумжаҳон мероси қўмитаси жамғармага халқаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида келиб тушадиган мурожаатномаларни кўриб чиқиш процедурасини белгилайди, тахмин қилинаётган амалиётнинг характерини белгилайдиган илтимос мазмунини, зарур ишларнинг миқдори, унинг тахминий баҳосини, ёрдам сўраган давлатга мустақил равишда барча зарур харажатларни амалга оширишга имкон бермайдиган сабаблар ва тезкорлик даражасини аниқлаштиради. Талабномалар ҳар доим ҳам, мумкин қадар, экспертларнинг хулосаси билан мустақамланиши лозим.

2. Ҳалокат ва табиий офат муносабати билан сўралган ёрдам тўғрисидаги мурожаатномалар, зудлик билан иш олиб бориш ва амалга ошириш зарурлигидан келиб чиқиб, қўмита томонидан биринчи навбатда кўрилиши ва шу каби ҳолатлар учун мўлжалланган захира жамғармасига эга бўлиши керак.

3. Қарор қабул қилишдан олдин қўмита, лозим топганида, тадқиқот ёки маслаҳатлашувлар ўтказиши мумкин.

22— модда

Умумжаҳон мероси қўмитаси томонидан кўрсатиладиган ёрдам қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

а) маданий ва табиий меросни ушбу Конвенция 4 — моддаси 2 — банди, 11—

моддасида белгилангани каби ҳимоя қилиш, сақлаш, тиклаш ва оммавийлаштириш бўйича бадий, илмий ва техник муаммоларни тадқиқ қилиш;

б) тасдиқланган лойиҳанинг қониқарли бажарилишини таъминлаш учун экспертларни, техникларни ва малакали ишчиларни йўналтириш;

с) маданий ва табиий меросни аниқлаш, ҳимоялаш, сақлаш, тиклаш ва оммавийлаштириш соҳасида барча даражаларда мутахассисларни тайёрлаш;

ё) манфаатдор давлатга у эга бўлмаган ёхуд сотиб олиш имконияти бўлмаган ускуналарни тақдим қилиш;

е) узоқ муддатли асосда тўланиши мумкин бўлган кам фоизли ёки фоизсиз қарзлар бериш;

1) истисноли ва махсус асослантирилган ҳолатларда қайтарилмайдиган маблағлар тақдим қилиши мумкин.

23— модда

Умумжаҳон мероси кўмитаси, шунингдек, маданий ва табиий меросни аниқлаштириш, ҳимоялаш, сақлаш, тиклаш ва оммавийлаштириш соҳасида барча даражаларда мутахассисларни тайёрловчи миллий ёки минтақавий марказларга халқаро ёрдам кўрсатиши мумкин.

24— модда

Салмоқли ёрдам кўрсатишдан аввал синчковлик билан илмий, иқтисодий ва техник тадқиқотлар олиб борилиши керак. Бу тадқиқотларда маданий ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш, сақлаш, тиклаш ва оммавийлаштиришнинг энг илғор услубларидан фойдаланиш зарур ва у мазкур Конвенциянинг мақсадларига жавоб бериши лозим.

25— модда

Қоидага кўра, зарур ишларни молиялаштириш халқаро ҳамжамиятта фақат қисман юклатилиши лозим. Халқаро ёрдамдан фойдаланаётган давлатнинг молиявий иштироки, ҳар бир дастур ёки лойиҳа учун ажратиладиган маблағларнинг катта қисмини ташкил этиши лозим, унинг ресурслари имкон бермаган ҳолатлар бундан мустаснодир.

26— модда

Мазкур Конвенцияга кўра, Умумжаҳон мероси кўмитаси ва ёрдам олувчи давлат ўзлари тузаётган битимда халқаро ёрдамнинг шакли бўлган дастур ёки лойиҳани амалга ошириш шартларини белгилаб олади. Маданий ва табиий мерос бойликлари учунгина, халқаро ёрдам олаётган давлат битимда белгиланган шартларга биноан сақланишга лойиқ бойликларни муҳофаза қилиши, сақлаши ва оммавийлаштиришни давом эттириши лозим бўлади.

IV. Маърифатчилик дастурлари

27— модда

1. Мазкур Конвенциянинг томонлари бўлмиш давлатлар барча тегишли воситаларни ва хусусан, маърифий ва ахборот дастурларини қўллаб, Конвенциянинг 1 — ва 2 — моддасида белгиланганидек маданий ва табиий меросга ўз халқларининг боғлиқлиги ва

эҳтиромини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

2. Улар бу меросга таҳдид солувчи хавф тўғрисида, шунингдек, мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан қабул қилинаётган чоралар тўғрисида ҳам жамоатчиликни кенг хабардор қилиб бориш мажбуриятини олади.

28— модда

Ушбу Конвенцияга мувофиқ халқаро ёрдам олаётган мазкур Конвенция томонлари — давлатлар бундай ёрдамни олган мероснинг муҳимлиги ва унинг тутган ўрни билан таништиришга қаратилган тегишли чораларни кўради.

VII. Маърузалар

29— модда

1. Мазкур Конвенциянинг томонлари — давлатлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясига у ўрнатган муддатларда ва шаклда маърузалар тақдим этиб, унда ушбу Конвенцияни бажариш мақсадида улар томонидан қабул қилинган қонунчилик, белгиланган қоидалар ва бошқа чоралар тўғрисида,

шунингдек, бу соҳада йиғилган тажриба ҳақида ҳам маълум қилади.

2. Бу маърузалар Умумжаҳон мероси қўмитаси эътиборига ҳавола этилади.

3. Қўмита Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясининг ҳар бир навбатдаги сессиясига ўз фаолияти тўғрисида маъруза тақдим этади.

УИИ. Яқунловчи қоидалар

30— модда

Ушбу Конвенция инглиз, араб, испан, француз ва рус тилларида тузилди, шу билан бирга бешала матн ҳам тенг кучга эга.

31— модда

Мазкур Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари бўлмиш давлатлар томонидан уларнинг конституцияларида кўзда тутилганидек ратификация ёки қабул аилинади.

2. Ратификация ёрлиқлари ёки қабул қилганлик тўғрисидаги актлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директориға сақлаш учун топширилади.

32— модда

1. Ушбу Конвенцияга Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлмаган, Ташкилотнинг Бош конференцияси номидан унга қўшилиш таклифини олган ҳар қандай давлат аъзо бўлиши мумкин.

2. Қўшилиш Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директориға қўшилиш тўғрисидаги актни сақлаш учун топшириш билан амалга оширилади.

33— модда

Мазкур Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қабул қилганлик ёки қўшилганлик тўғрисидаги акт сақлашга топширилган кундан уч ой ўтгандан кейин кучга киради, лекин бу ратификация, қабул қилганлик ёки қўшилганлик тўғрисидаги актларини сақлашга белгиланган кунда ёки ундан олдинроқ топширган давлатларгагина тааллуқлидир. Бошқа ҳар қандай давлатга нисбатан Конвенция ратификация, қабул қилганлик ёки қўшилиш тўғрисидаги ўз актини сақлашга топширгандан кейин кучга киради.

34— модда

Ушбу Конвенция томонлари —федерал тузилмага эга бўлган давлатларга, қуйидаги ҳолатлар тааллуқлидир:

(а) ушбу Конвенция ҳолатлари бўйича, бажарилиши марказий ёки федерал қонунчилик ҳокимияти предмети бўлган федерал ёки марказий ҳукуматнинг мажбуриятлари федератив бўлмаган иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари сингари бўлади;

(б) ушбу Конвенция ҳолатлари бўйича, бажарилиши қонунчилик чоралари қабул қилишлари шарт бўлмаган қонунчилик фаолияти предмети бўлган ҳар бир штатнинг, мамлакатлар, провинциялар, кантонларнинг федерация тузилмасига мувофиқ федерал ҳукумат кўрсатилган ҳолатларни штатларнинг, мамлакатлар, провинциялар, кантонларнинг ваколати ҳокимиятлари маълумотига уларнинг қабул қилишлари учун етказди.

35— модда

1. Ҳар бир давлат —ушбу Конвенциянинг томони мазкур Конвенцияни денонсация қилиши мумкин.

2. Денонсация ёзма акт билан нотификация қилиниб, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директорига топширилади.

3. Денонсация, денонсация тўғрисидаш актни олгандан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради. У денонсация кучга кирадиган кунга қадар, денонсация қилган давлат қабул қилган молиявий мажбуриятларни ҳеч қандай йўл билан ўзгартирмайди.

36— модда

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директори Ташкилот аъзолари — давлатларга, 32 — моддада эслатиб ўтилган аъзо бўлмаган давлатларга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 31 — 32— моддаларда эслатилган ратификация, қабул қилганлик ёки қўшилганлик тўғрисидаги актларни сақлашга топширганлиги, шунингдек, 35 —моддада кўрсатилган денонсациялар тўғрисида маълум қилади.

37— модда

1. Мазкур Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ унинг қайта кўриб чиқилган матни фақат қайта кўриб чиқилган Конвенциянинг томонлари

бўлган давлатларгагина мажбурият юклайди.

2. Агар, мазкур Конвенциянинг тўлиқ ёки қайта кўриб чиқилиши оқибатида Бош конференция янги Конвенция қабул қилса ва янги Конвенцияда бошқа кўрсатмалар бўлмаса, мазкур Конвенция қайта кўриб чиқилган матндан иборат янги Конвенциянинг кучга кириш кунидан бошлаб ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш учун ёпиқ бўлади.

38— модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102 — моддасига мувофиқ, мазкур Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қотибиятида, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директорининг илтимосига бт-юан рўйхатдан ўтказилади.